

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

«30» март 2019 у.

№ 271

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва
виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва
вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси тўғрисидаги
низомларни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Алкогол ва тамаки маҳсулотларини
ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмасини давлат томонидан тартибга солишини
такомиллаштириш ҳамда узумчилик ва виночиликни ривожлантиришга доир чора-
тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПФ-5656-сон Фармонига ҳамда
Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4161-сон
қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик
ва виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик
ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино
тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 2-иловага
мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги:

«Энология лабораторияси» давлат унитар корхонаси ва «Узумчилик ўқув
маркази» давлат унитар корхонаси уставларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва
белгиланган тартибда тасдиқласин, шунингдек, уларнинг қонун хужжатларида
белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

Узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси
маблағлари ҳисобига «Энология лабораторияси» давлат унитар корхонаси зарур
замонавий лаборатория анжомлари билан жиҳозланишини ва миллий даражада
аккредитациядан ўтказилишини, шунингдек, узум, мевалар ва резаворлардан
алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича тажриба ишлаб чиқариши ташкил
этилишини таъминласин;

соҳа ташкилотларининг коллекциялари ҳисобига Ўзбекистон вино коллекциясини яратсин ҳамда ҳар йили унинг соҳа ташкилотлари маҳсулотлари билан тўлдирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги Тошкент кимё-технология институти, Академик М.Мирзаев номидаги узумчилик, виночилик ва боғдорчилик илмий-тадқиқот институти ва Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига «Энология лабораторияси» давлат унитар корхонаси ҳузурида узумнинг техник навлари плантациясини яратиш, шунингдек, “Виночилик технологияси ва саноат узумчилиги” факультети талабалари, Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги Виночилик соҳаси мутахасисларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш маркази тингловчилари учун ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш юзасидан таклифлар киритсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д.Вахабов ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 марта
271-сон қарорига
I-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳукуклари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш ва ҳисбот бериш тартибини, шунингдек, унинг раҳбарларининг функционал вазифалари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Агентлик узумчилик ва виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширадиган давлат бошқаруви республика органи, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) таркибий бўлинмаси ҳисбланади ва ўз фаолиятида Вазирлик олдида ҳисбот беради.

3. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг буйруқларига, шунингдек, ушбу Низомга ва бошқа конун ҳужжатларига амал қиласди.

4. Агентликning ўз ваколатлари доирасида кабул қилинган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошка ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек, фукаролар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисбланади.

5. Агентлик юридик шахс ҳисбланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган мухр ва бланкаларга, мустақил балансга, шахсий газна ҳисобваракларига, банк ҳисоб рақамларига, шу жумладан, хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эгадир.

6. Агентликning расмий номи:

а) давлат тилида – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги;

б) инглиз тилида The Agency of Viticulture and Wine Development under the Ministry of agriculture of the Republic of Uzbekistan;

в) рус тилида Агентство по развитию виноградарства и виноделия при Министерстве сельского хозяйства Республики Узбекистан.

7. Агентлик жойлашган жой (почта манзили): 100011, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси, 6.

2-боб. Агентликнинг тузилмаси

8. Агентлик тизимиға:

Агентликнинг марказий аппарати;

«Энология лабораторияси» давлат унитар корхонаси;

«Узумчилик ўкув маркази» давлат унитар корхонаси киради.

3-боб. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

9. Куйидагилар Агентликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

узумчилик ва виночилик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, узумчилик ва виночиликни динамик ривожлантиришин таъминлашга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

устун даражада техник навлардаги узум плантацияларини кенгайтириш ва ривожлантиришга, виночиликни ривожлантиришга, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилишга ва виночилик корхоналарини комплекс равишда модернизация қилишга кўмаклашиш;

рақобатбардош виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариши ташкил этиш учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишда, ташқи бозорлар конъюнктурасининг чуқур маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш йўли билан экспорт салоҳиятини оширишда, шунингдек, маҳаллий виночилик маҳсулотларини, шу жумладан, чет элда оммалаштиришда узум стиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-куватлаш;

хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиш йўли билан узумчилик ва виночилик соҳасида юқори матакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш;

узум экиш материалларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини тартибга солини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) билан узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотлар сифатини белгилаш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон рўйхатини юритиш.

10. Агентлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қўйидаги функцияларни амалга оширади:

а) узумчилик ва виночилик соҳасидаги ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, узумчилик ва виночиликни динамик ривожлантиришин таъминлашга йўналтирилган комплекс мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

шу жумладан, кластер асосидаги узумчилик ва виночиликни ривожлантиришнинг давлат ва мақсадли дастурларини, шу жумладан, инновацион ва ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий қилиш йўли билан узум плантацияларининг самарадорлигини ва тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолиятини ошириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқади;

узумчилик ва виночилик соҳасида ягона давлат сиёсати ижросини таъминлайди, ушбу йўналишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, узумчилик ва виночилик йўналиши бўйича ўз фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар билан ҳамкорлик қиласди;

Инспекциядан маълумот олиш йўли билан узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва уларнинг айланмаси мониторингини олиб боради;

узумчилик ва виночилик, шу жумладан, узум экиш материалини ишлаб чиқариш соҳасида тегишли норматив-хукукий ҳужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этади ва таклифлар киритади;

б) устун даражада техник навлардаги узум плантацияларини кенгайтириши ва ривожлантиришига, виночиликни ривожлантиришига, ресурсларни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилишига ва виночилик корхоналарини комплекс равишда модернизация қилишига кўмаклашии соҳасида:

илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ваколатли ташкилотлар билан биргаликда агротехнологияларни такомиллаштириш ва узум ҳосилдорлигини ошириш, тармоқ маҳсулотлари рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш мақсадида узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни модернизация қилиш бўйича таклифларни тайёрлайди;

узум плантацияларида маҳаллий селекция навлари, хусусан, яшаш мухитининг абиотик ва биотик шароитларига кўпроқ мослашган Европа клонлари ва автохтон навлар улушини ошириш чораларини кўради;

миллий ампелографик коллекциялар сақланиши ва кенгайтирилишини таъминлайди ҳамда узум навлари ДНК каталоги (реестри)ни шакллантиради ва юритади;

в) рақобатбардош виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқарини ташкил этиши учун тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишида, ташқи бозорлар конъюнктурасининг чуқур маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш йўли билан экспорт салоҳиятини оширишида, шунингдек, маҳаллий виночилик маҳсулотларини, шу жумладан, чет элда оммалаштиришида узум етишиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги элчиноналари билан биргаликда тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишда тармоқ корхоналарига қўмаклашади, шунингдек, узумчилик маҳсулотлари ташқи бозори конъюнктурасини ўрганади, мамлакатимиз узумчилик маҳсулотларини оммалаштириш ва тармоқ маҳсулотларининг экспорт салоҳиятини ошириш чоратадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

“Ўзстандарт” агентлиги билан биргаликда корхоналарда узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича ҳалқаро стандартларни жорий қилишга қўмаклашади ва таклифлар киритади;

узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотлар ва винони танишиши бўйича миллий ва ҳалқаро фестиваллар, қўргазмалар ва ярмаркаларни ташкил қиласди ва уларда иштирок этади;

г) хорижий ва маҳаллий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари ва тармоқнинг етакчи ишлаб чиқарувчилари билан ҳамкорлик қилиши йўли билан узумчилик ва виночилик соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашии соҳасида:

узумчилик ва виночилик соҳасида хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни жалб қиласди, шунингдек, тармоқ мутахассислари, узум етиштирувчилар ва виночиларни республиканинг етакчи корхоналари, Тошкент кимё-технология институти хузуридаги Виночилик соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида, шунингдек, чет элда малакасини ошириш, тайёрлаш ва қайта тайёрлашга кўмаклашади;

Тошкент кимё-технология институти, бошқа олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари, шу жумладан, халқаро илмий-тадқиқот институтлари билан узумчилик ва виночилик соҳасида илмий-техник ютуқларни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш мақсадида ҳамкорлик қиласди;

олий ва ўрта маҳсус таълим муассасалари талабаларига бевосита тармоқнинг ишлаб чиқариш ва бошқа корхоналарида амалиёт ўтишларида кўмаклашади;

д) узум экиш материалларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини тартибга солии, узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланадиган алкоголли маҳсулотлар сифатини белгилаши юзасидан Инспекция билан ўзаро ҳамкорлик қилиши соҳасида:

узум экиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича питомникларни барпо қилишда кўмаклашади, шунингдек, қонун хужжатларида белгиланган тартибда уларнинг фаолиятини тартибга солади ва мувофиқлаштиради;

ишли органлар ишида иштирок этади, техник ва технологик регламентлар, стандартлар, шунингдек, узумчилик соҳаси ҳамда узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкоголли ичимликларни ишлаб чиқариш соҳасида санитария-гиgiene нормаларини яратиш, жорий қилиш ва яхшилаш масалалари бўйича таклифларни кўриб чиқади ва киритади;

чакана савдо тармоқларида назорат тартибida сотиб олиш йўли билан узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкоголли маҳсулотлар сифатини назорат қиласди;

узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкоголли маҳсулотлар сифатини текшириш якунлари бўйича Инспекцияга маълумот киритади;

Инспекциянинг ташаббуси билан узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқаришга лицензия бериш жараёнида иштирок этади;

назорат ва текшириш органларининг сўрови бўйича узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкоголли маҳсулотлар сифатини белгилаш бўйича мониторинг олиб бориш ва текширишларда белгиланган тартибда иштирок этади;

е) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон рўйхатини юритиши соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда узум плантацияларининг электрон рўйхатини юритади;

Агентлик қонун хужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мүмкін.

4-боб. Агентликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги.

11. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун куйидаги ҳуқуқларға эга:

норматив-хукукий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, шунингдек, ўз ваколати доирасида Агентликнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, узумнинг техник навларини етиштириш билан шугулланувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар қабул қилиш;

Вазирликка норматив-хукукий хужжатлар лойиҳалари, шунингдек, Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш билан боғлик бўлган бошқа хужжатларни белгиланган тартибда киритиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан сўраш ва олиш;

давлат статистика органларидан Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича зарур статистик маълумотларни бепул асосда олиш;

Инспекция билан биргаликда узум, мевалар ва реза мевалардан тайёрланган алкогольни маҳсулотлар сифатини белгилаш ва назорат қилиш бўйича қўшма тадбирлар ўтказиш;

Агентлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича ҳалқаро шартномаларни тузиш ва Агентлик ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳалқаро даражада ифодалаш;

Агентлик ваколатига тегишли масалалар бўйича хорижий тармок идоралари, илмий ва таълим ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

узумчилик ва виночилик соҳасида жорий ва стратегик вазифаларни ёритиш учун белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

биноларга хизмат кўрсатиш, асбоб-ускуналар ва хўжалик жиҳозлари, автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техника, дастурий таъминот ҳамда Агентлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа товарлар таъминоти ва фойдаланиш ишларини бажариш учун белгиланган тартибда шартномалар тузиш;

илмий ташкилотларни, олим ва мутахассисларни, шу жумладан, чет эл олимлари ва мутахассисларини Агентлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал қилишга шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик ва унинг тизимиға кирадиган ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш.

Агентлик қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мүмкін.

12. Агентликнинг таркибий бўлинмалари ҳукуқ ва мажбуриятлари Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган низомлар билан белгиланади.

13. Агентлик:

Агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, шунингдек, узумчилик ва виночилик соҳасида давлат сиёсати самарали амалий амалга оширилиши;

норматив-хукукий хужжатлар талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ўз вақтида бажарилиши;

Агентликнинг марказий аппарати ва таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилиш учун жавоб беради.

5-боб. Агентлик фаолиятини ташкил қилиш

14. Агентликка Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган директор бошчилик қиласи.

15. Директор ўз мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиши шартлари бўйича вазир ўринbosарига тенглаштирилади.

16. Директор Агентлик директорининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган икки нафар ўринbosарга эга.

17. Директор бўлмаган даврда унинг ваколатлари вазифалар тақсимланишига мувофиқ унинг ўринbosари томонидан амалга оширилади.

18. Ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда Агентлик давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ҳамкорликда қабул қилинган карорлар билан узумчилик ва виночилик соҳасидаги тадбирларни ўтказиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича идоралараро комиссиялар, кенгашлар, ишчи гурӯхларни тузади.

19. Агентлик фаолиятига Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири мутасаддилик қиласи.

20. Директор лавозими бўйича Вазирлик ҳайъати таркибига киритилади.

6-боб. Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари

21. Куйидагилар Агентлик раҳбарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

Агентлик фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш, Агентликка қонун хужжатлари билан юкланган вазифалар ва функциялар бажарилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан тасдиқланган Агентлик фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича концепциялар, комплекс дастурлар ва тадбирлар ижро этилиши жараёнини танқидий жихатдан ва чуқур таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва маслаҳатчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири топшириқларини бажариш;

ўзининг ўринбосарлари ваколатларини белгилаш, улар ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Агентликнинг бошқа мансабдор шахслари ваколатларини белгилаш, ўзининг ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг Агентлик фаолиятининг алоҳида участкаларига раҳбарлик қилиш учун шахсий жавобгарлиги даражасини белгилаш;

Агентлик фаолиятини режалаштиришни ташкил қилиш, Агентлик ва ўз ўринбосарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши жараёнини назорат қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қарорлари ва топшириқлари ижросини ташкил қилиш ва мониторинг олиб боришнинг амалий тизимини яратиш, Агентлик фаолиятида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича амалий комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, марказий аппарат ва таркибий бўлинмалар раҳбарларининг қонун хужжатлари талабларига мувофиқ топшириқларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун шахсий жавобгарлигини ошириш чораларини кўриш;

Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари ходимларини тизимли қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

Агентлик тизимида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларнинг самарали фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, Агентлик кадрлар захирасини шакллантириш;

кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда киритиш учун норматив-хуқуқий хужжат лойиҳаларини сифатли ишлаб чиқиш ва Вазирликка ўз вақтида киритишни ташкил қилиш;

Агентликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-хуқуқий хужжатлар тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқилишини таъминлаш, уларни синчиклаб хуқуқий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш, шунингдек, уларни қонун хужжатларида назарда тутилган муддатларда келишиш (виза қўйиш);

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасига хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига мувофиқ хизмат сафарларини амалга ошириш ва ташкил қилиш, хизмат сафарлари асосланганлиги,

самарадорлиги ва натижадорлигини таъминлаш, хизмат сафарига ажратиладиган маблаглардан мақсадли ва оқилюна фойдаланиш;

ўз ўринбосарлари ва таркибий бўлинмалар раҳбарлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигининг танқидий таҳлилини мунтазам равишда ўтказиш, уларнинг шахсий ҳисботларини Агентлик мажлисларида эшитиш, якунлар бўйича зарур чоралар кўриш;

ўз ўринбосарлари ва Агентлик ходимларини интизомий жавобгарликка тортиш масалаларини белгиланган тартибда ҳал қилиш, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида келгусида бўлиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларнинг шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

Агентлик ва идоравий мансуб ташкилотлар ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек, уларга риоя қилишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошқа конунбузарликларнинг олдини олиш чораларини қабул қилиш, шунингдек, ҳукуқий амалиёт ва конун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш, таҳлил қилиш, бартараф қилиш;

Агентлик ва унинг таркибий бўлинмалари ишини ташкил қилишнинг замонавий шаклларини жорий қилишни таъминлаш;

“Электрон ҳукумат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунини амалга ошириш доирасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш, шу жумладан, Агентликнинг ахборот тизими самарадорлиги ва сифатини ошириш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишини ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга кўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойнинг ўзига чиқиб қабул қилиш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига тушаётган мурожаатларини ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлашни ташкил қилиш, уларнинг фаолиятида Агентлик ходимлари ва раҳбарларининг фаол иштирокини таъминлаш;

давлат сири ва маҳфий маълумотлар сирасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етишириувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ тушиши ва ишлатилишини назорат қилиш;

конун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган шартномалар ва битимлар тузиш;

Жамғарманинг олдин берилган маблағлари бўйича, шу жумладан, шартнома шартларини қайта тузиш ва узайтириш бўйича қарорлар қабул қилиш;

марказий аппаратнинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, идоравий мансуб ташкилотларнинг уставлари, низомлари, лавозим йўриқномалари ва Агентликнинг бошқа локал хужжатларини белгиланган тартибда тасдиқлаш;

конун хужжатларида белгиланган тартибда меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, Агентлик марказий аппарати, «Энология лабораторияси» ДУК ва «Узумчилик ўкув маркази» ДУК ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш;

Жамғарманинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига узумчилик ва виночилик соҳасида хорижий мутахассислар ва маслаҳатчиларни шартнома асосида жалб қилиш;

Агентлик, идоравий мансуб ташкилотларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруклар чиқариш ва кўрсатмалар бериш, шунингдек, белгиланган тартибда уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

Агентлик марказий аппарати, идоравий мансуб ташкилотларнинг тасдиқланган тузилма ва штат жадвалларига ўзгартиш киритиш юзасидан белгиланган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармаси доирасида Вазирикка таклифлар киритиш.

Агентлик директори конун хужжатларида назарда тутилган бошқа функционал вазифаларни ҳам амалга оширади.

22. Кўйидагилар Агентлик директори ўринbosарларининг асосий функционал вазифалари ҳисобланади:

директор вақтинча бўлмаган вақтларда унинг вазифаларини бажариш;

Агентликнинг мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари фаолиятини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва бевосита раҳбарлик қилиш, уларнинг ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлаш;

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмалари раҳбарларининг ҳар чораклик иш режаларини тасдиқлаш, уларнинг бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ва маслаҳатчилари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири топширикларини ижро этиш;

директорнинг буйруклари ва топшириклари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрларни танлаш ва жойига қўйиш бўйича директорга таклифларни тақдим қилиш, уларнинг касбий маҳорати, ваколатлилиги, амалий тажрибаси, ишбилармонлик ва маънавий-маърифий сифатларининг юқори савияси кафолатланганлигини таъминлаш, мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмаларда кадрлар захирасини шакллантириш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмалар томонидан норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳалари сифатли ишлаб чиқилишини ташкил қилиш, Агентликнинг таркибий бўлинмаларида тайёрланган ҳужжатлар лойиҳалари келгусида директор томонидан кўриб чиқилиши, имзоланиши (виза қўйилиши) учун кўриб чиқиш ва виза қўйиш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига келгусида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритиш учун Вазирликка ўз вақтида киритилишини таъминлаш;

Агентликка тақдим қилинган таклифлар ва норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тўлиқ ва атрофлича кўриб чиқиш, уларни синчиклаб хукуқий, иқтисодий ва бошқа экспертизадан ўтказиш;

хизмат сафарларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мансабдор шахсларнинг хорижий мамлакатларга чиқиш тартибини тақомиллаштириш чоралари тўғрисида” 2014 йил 5 мартағи ПҚ-2142-сон ва “Хорижий хизмат сафарларида самарали бўлиш ва Ўзбекистон Республикасида хорижий делегациялар ташрифини ташкил этишда мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 3 августдаги ПҚ-3170-сон қарорлари талабларига тўлиқ мувофиқ равиша амалга ошириш, хизмат сафарлари асосланганлиги, самарадорлиги ва натижадорлиги, сафар харажатларига ажратиладиган маблагларнинг мақсадли ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва ходимлари фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини мунтазам равиша танқидий таҳлил қилиш, Агентлик мажлисларида уларнинг шахсий ҳисботларини эшлиши, якунлар бўйича зарур чоралар кўриш;

Агентликнинг узумчилик ва виночилик соҳасидаги фаолиятини тақомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш, ушбу соҳада қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни директорга киритиш;

мутасаддилек қилинадиган таркибий бўлинмалар раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш ва интизомий жавобгарликка тортиш бўйича директорга таклиф киритиш, шу жумладан, уларнинг эгаллаб турган лавозимларида келгусида бўлиши мақсадга мувофиқлиги масалаларини кўриб чиқиш, уларга юкланган вазифалар ва функционал вазифалар бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини оширишнинг тизимли чораларини амалга ошириш;

Агентлик ходимларининг Одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш, шунингдек, уларга риоя қилинишини таъминлаш;

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ Агентлик тизимида коррупция ва бошка қонунбузарликларнинг олдини олиш чораларини кўриш, шунингдек, хукукни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан уларнинг юзага келишига ёрдам берувчи сабаблар ва шарт-шароитларини аниклаш, тахлил қилиш, бартараф қилиш;

“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2018 йил 7 майдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган Давлат органларида, давлат муассасаларида ва давлат иштирокидаги ташкилотларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тартиби тўғрисидаги намунавий низомда белгиланган муддатлар ва тартибда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича самарали ишини ташкил қилиш, аҳоли билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, шахсан қабул қилишни тизимли равишда ўтказиш, шу жумладан, жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини жойнинг ўзига чиқиб қабул қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари билан самарали ишлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 28 декабрдаги ПФ-4904 сон Фармонига мувофиқ уларнинг фаолиятида фаол иштирок этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасидан тушаётган барча мурожаатлари ўз вақтида ва тўлақонли кўриб чиқилишини тъминлаш;

давлат сири ва маҳфий маълумотлар сирасига кирадиган маълумотлар билан ишлашда қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилиш.

Директор ўринbosарлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошка функционал вазифаларни ҳам амалга оширадилар.

7-боб. Агентлик раҳбарларининг жавобгарлиги

23. Агентлик директори:

Агентликка юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши;

Жамғарма маблағлари мақсадли сарфланиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган Агентликнинг жавобгарлиги соҳалари бўйича;

ушбу Низомнинг 21-бандида кўрсатилган ўзининг функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб беради.

24. Агентлик директори ўринbosарлари:

мутасаддилик қилинадиган таркибий бўлинмаларда Агентликка юклangan вазифалар ва функциялар бажарилиши;

ушбу Низомнинг 13-бандида назарда тутилган мутасаддилик қилинадиган масалалар юзасидан Агентликнинг жавобгарлиги соҳалари бўйича;

Ушбу Низомнинг 22-бандида кўрсатилган ўз функционал вазифалари сифатли бажарилиши учун жавоб берадилар.

8-боб. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторлар

25. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлиги мунтазам равишда баҳоланиши лозим.

26. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш Вазирлик томонидан тасдиқланадиган Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш мезонлари ва ишчи индикаторларга асосланади.

27. Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш якунлари бўйича кўйидаги чоралар кўрилади:

Агентлик раҳбарлари ва ходимларини рағбатлантириш (мукофотлаш) ёки интизомий жавобгарлик чоралари;

Агентлик фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва унинг фаолиятини янада такомиллаштириш.

Агентлик фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолаш тартиби ва усули Вазирлик томонидан белгиланади.

9-боб. Агентликни молиялаштириш ва моддий-техник таъминлаш, унинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш

28. Агентлик ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фаолиятни амалга оширишга ва марказий аппарат таъминоти учун харажатлар, шу жумладан, ходимларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, кўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар, ижтимоий ва бошқа тўловлар, шунингдек, маданий-оммавий тадбирларни ўtkазиш билан боғлиқ бўлган харажатлар қопланиши Жамғарма маблаглари ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан молиялаштирилади.

29. Агентлик ходимларига Вазирлик марказий аппарати ходимлари учун белгиланган меҳнаттага ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя шартлари жорий этилади.

Бунда Агентлик директори томонидан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири билан келишган холда Агентлик ходимларининг лавозим маошларига 200 фоизгача бўлган миқдорда қўшимча устамалар белгиланиши мумкин.

30. Агентлик ходимларига рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган устама ва қўшимча ҳақлар Агентлик директори томонидан тасдиқланадиган меҳнат шартномалари (контрактлар) ва низомларга мувофиқ тўланади. Бунда рағбатлантирувчи хусусиятга эга бўлган устамалар ва қўшимча ҳақ белгиланиши Агентлик директорининг ҳуқуки ҳисобланади.

10-боб. Агентликнинг Вазирлик олдида ҳисбот берishi

31. Агентлик директори Вазирлик олдида Агентлик фаолияти натижалари тўғрисида мунтазам равишда ҳисбот беради.

32. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Агентлик директори фаолиятининг унга юклangan вазифалар самарали бажарилиши бўйича доимий мониторинг олиб боради, Агентлик фаолияти самарадорлигига холисона баҳо беради.

33. Мониторинг ва баҳолаш яқунлари бўйича Агентликнинг алоҳида ўзини кўрсатган раҳбарлари, мансабдор шахслари ва ходимлари рағбатлантирилади ёки йўл қўйилган жиддий камчиликлар учун эгаллаб турган лавозимидан озод қилишгacha жавобгарликка тортилади.

11-боб. Яқунловчи қоида

34. Агентликни қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 30 марта
271-сон қарорига
2-илюва

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум
етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш
жамғармаси тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум этиширувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармасини (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) бошқариш тартибини, шунингдек, унинг маблағларини шакллантириш ва ишлатиш тартибини белгилайди.

2. Жамғарма Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) томонидан юридик шахсни ташкил қилмасдан қўйидаги мақсадларда ташкил этилган:

узумчилик ва виночиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаолигини қўллаб-куватлаш;

Агентликнинг марказий аппарати таъминоти ва унга идоравий мансуб ташкилотларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, Агентлик фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

Агентлик марказий аппаратининг ходимларини моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш.

2-боб. Жамғарма маблағларини шакллантириш

3. Жамғарма маблағлари қўйидаги манбалардан шакллантирилади:

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажратиладиган ҳар йиллик субсидиялар;

алкоголли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соғ тушумининг беш фоиз миқдоридаги ажратмалар;

Агентлик ҳузуридаги «Энология лабораторияси» ДУК ва «Узумчилик ўқув маркази» ДУКнинг белгиланган тартибдаги ажратмалари;

халқаро молиявий институтлар, хорижий ҳукумат ташкилотларининг кредитлари (карзлар) ва грантлари;

конун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғармага мажбурий ажратмаларнін ўз вақтида юбориш учун шахсий масъулият Жамғармага ажратмаларни амалга оширувчи ташкилот раҳбарлари зиммасига юкланди. Алкоголли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар ажратмаларни ҳар ойда, кейинги ойнинг 15-кунидан кеч бўлмаган муддатда амалга ошириши лозим.

Ажратмалар ўз вақтида амалга оширилмаган тақдирда алкоголли маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шугулланувчи корхона ҳар бир кечикирилган кун учун, ажратмаларнинг кечикирилган суммасининг 0,01 фоизи миқдорида пеня тўлайди, пеня суммаси кечикирилган мажбуриятлар умумий суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

4. Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан узумчиликни ривожлантириш учун ажратиладиган субсидиялар тарзидағи маблағлар Агентликнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига очилган шахсий ғазна ҳисобварағида жамгарилади. Бошқа маблағлар Жамгарманинг Агентлик томонидан тижорат банкларида белгиланган тартибда очиладиган маҳсус ҳисоб рақамларида жамгарилади.

3-боб. Жамгарма маблағларидан фойдаланиш

5. Жамгарма маблағларидан қуидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

янги узум плантацияларини яратиш ва мавжудларини реконструкция қилиш (модернизация қилиш), узум, мевалар ва реза мевалардан алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек, алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-кувватлаш;

узумчилик ва виночилик билан боғлиқ бўлган илмий лойиҳаларини молиялаштириш, шу жумладан, узумнинг янги селекция навларини яратиш, узумни касаллик ва зааркунандалардан химоя қилиш ва ўрганиш, шунингдек, узум, мевалар ва реза мевалардан алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сифатини яхшилаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини бошқариш бўйича инспекциянинг бюджетдан ташқари жамгармасини алкоголли маҳсулотлар улгуржи савдоси билан шугулланадиган корхоналарнинг ажратмалири суммасидан ўн фоиз миқдорида шакллантириш;

Агентлик ва унинг идоравий мансуб ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг марказий аппарати таъминоти бўйича харажатларни молиялаштириш, шу жумладан, Агентлик ходимларини моддий рагбатлантириш, шунингдек, қўшимча ҳақ, устамалар, мукофотлар, ижтимоий ва Агентлик директори томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган низомга мувофиқ бошқа тўловларни, шунингдек, маданий-оммавий тадбирларни ўтказиш билан боғлиқ бўлган харажатларни қоплаш;

узумчилик ва виночилик соҳасида чет эл мутахассислари ва маслаҳатчиларни жалб қилиш, шунингдек, узум етиштирувчилар, Агентлик ва виночилик корхоналарининг ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ бўлган харажатларни молиялаштириш;

мамлакатимизда ишлаб чиқарилган алкоголли маҳсулотлар, шу жумладан, виночилик маҳсулотларини таништириш бўйича конференциялар, семинарлар, тренинглар, маҳорат дарслари, фестиваллар, кўргазмалар ва ярмаркаларда иштирок этиш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, ушбу тадбирларда, шу жумладан, чет элда ўтказиладиган тадбирларда алкоголь соҳаси корхоналари иштирок этишида кўмаклашиш;

маҳаллий ташкилотлар ва халқаро ташкилотларда, шу жумладан, Халқаро узумчилик ва виночилик ташкилотида аъзолик бадалларини ва бошқа бадалларни тұлаш;

илмий-техник ва илмий-методик адабиётлар (шу жумладан, даврий нашрлар, әълонлар, рисолалар, буклетлар, китоблар, түпнамалар ва бошқа ахборот-маърифий материаллар)ни тайёрлаш ва нашр қилиш, шунингдек, виночилик ва узумчилик соҳасида видеороликлар ва тақдимот материалларини яратышта сарфланган харажатларни молиялаштириш;

илмий-тадқиқот ишларини, шунингдек, илмий ва илмий-тадқиқот ташкилотлари томонидан виночилик ва узумчилик соҳасида нормалар, регламентлар ва қоидалар ишлаб чиқилишини молиялаштириш;

Агентликнинг қонун хужжатларида тақиқламаган фаолияти билан боғлик бўлган бошқа йўналишлар ва тадбирлар.

6. Жамгарма ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган мақсадларга юридик шахсларга кредитлар бериш учун (алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини кўллаб-куватлаш бундан мустасно) 7 йилгача бўлган муддатга, шу жумладан, 3 йилгача бўлган имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан ошмаган фоизли ставка билан ресурсларни жойлаштириш;

алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини кўллаб-куватлаш учун юридик шахсларга кредитлар бериш учун Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларида 2 йилгача бўлган муддатга, шу жумладан, 6 ойгача бўлган имтиёзли давр билан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасидан ошмаган фоизли ставка билан ресурсларни жойлаштириш;

ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган мақсадларга тегишли шартларда қарз бериш;

ушбу Низомнинг 5-банди учинчи хатбошида кўрсатилган мақсадларга грантлар бериш. Бунда берилган грантлар суммаси Жамгарма ҳисобварағига ҳар йил тушадиган умумий сумманинг 5 фоизидан ошмаслиги лозим;

қўйидаги мақсадлар учун субсидиялар бериш:

а) яратилаётган узум плантациялари экин майдонининг бир гектари учун 8 миллион сўм миқдоридаги томчилаб суғориш технологиясини жорий қилиш. Агар шартномада кўрсатилган томчилаб суғориш технологиясини жорий қилишга сарфланган сумма узумзор экин майдонининг бир гектари учун 8 миллиондан кам бўлган тақдирда субсидия шартномада назарда тутилган суммага ажратилади;

б) 120 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда сув чиқариш учун бурғулаш кудуги, яратилаётган 35 гектар ва ундан ортиқ гектарли узум плантацияларини суғориш учун дарёлар, каналлар ва бошқа сув ҳавзаларидан сув чиқариш учун насос станциясини куриш.

7. Субсидияларни ажратиш томчилаб сугориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудукларини қуриш ҳолати бўйича амалга оширилади. Томчилаб сугориш тизимини жорий қилиш, яратилаётган узум плантацияларида сув чиқариш учун насос станциялари ва сув чиқариш учун бурғулаш қудукларини қуриш ҳолати Вазирлар Мажкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 103-сон қарори билан тасдиқланган Пахта хомашёси етиштирувчиларнинг томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 6-бандига мувофиқ таркибдаги фойдаланишга топшириш бўйича комиссиянинг далолатномаси билан тасдиқланган бўлиши лозим.

8. Берилган қарзларнинг ҳар йиллик суммаси Жамғарманинг ҳисобваракларига тушган ҳар йиллик маблағлар умумий суммасининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим ва қарз таъминоти сифатида кўчадиган ва кўчмас мулк гарови, учинчи шахсларнинг кафиллиги ва қонун хужжатларида тақиқланмаган бошка таъминот турлари тақдим қилинади.

9. Маблағлардан янада самарали фойдаланиш ва қўшимча фойда манбанини олиш мақсадида Жамғарманинг бўш маблағлари тижорат банкларининг депозитларида жойлаштирилиши мумкин.

4-боб. Жамғарма фаолиятини бошқариш

10. Жамғарманинг ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган мақсадларга даромадлар ва харажатлар сметаси Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири томонидан тасдиқланади.

11. Жамғарма маблағларини бошқариш ва тақсимлаш Агентлик директори томонидан Жамғарманинг тасдиқланган даромадлари ва харажатлари сметасига мувофиқ амалга оширилади.

12. Агентлик директори:

Жамғарма маблағларини ушбу Низомга ҳамда Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари сметасига мувофиқ тасарруф этади ва унинг маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланилиши учун жавоб беради;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган шартномаларни тузади;

Жамғарманинг олдин берилган маблағлари бўйича, шу жумладан, шартнома шартларини қайта тузиш, узайтириш ва ўзгартириш бўйича қарорларни қабул қиласди;

Жамғарма даромадлари ва харажатлари ҳисоби юритилишини, Жамғарма маблағларидан ушбу маблағларни олувчилар томонидан белгиланган мақсадларда фойдаланиш мониторингини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирига Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини бажариш бўйича чораклик ва йиллик ҳисоботларни тақдим қиласди.

13. Ушбу Низомнинг 6-банди бешинчи ва олтинчи хатбошиларида кўрсатилган мақсадларга Жамғарма маблағларидан грант ва субсидияларни тақдим қилиш бўйича қарорлар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ таркибда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни

ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-куватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобига грант ва субсидияларни тақдим қилиш Кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан қабул қилинади.

14. Кенгашининг субсидияларни тақдим қилиш тўғрисидаги ижобий қарори Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан Жамғармага маблагларни ажратиш учун асос ҳисобланади.

Кенгаш мажlisлари бир ойда камида бир марта ўтказилади. Агентлик Кенгашининг ишчи органи ҳисобланади, унинг вазифалари ва функциялари Кенгаш томонидан белгиланади.

5-боб. Лойиҳаларни грант ёки субсидиялар ҳисобига молиялаштириш тартиби

15. Лойиҳаларни ушбу Низомнинг 6-бандида кўрсатилган мақсадларга грант ёки субсидиялар ҳисобига молиялаштириш тартиби ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

16. Грант ёки субсидиялар маблагларини олиш учун лойиҳа ташаббускори Агентликка ёзма ёки электрон шаклда қуидаги хужжатларни тақдим қиласди:

юридик шахснинг номи ва ташкилий-хуқуқий шакли, почта манзили, сўралаётган маблағ мақсадлари, лойиҳани амалга ошириш жойи, банк муассасаси номи ва банқдаги ҳисоб рақами кўрсатилган ҳолда грант ёки субсидия бериш тўғрисидаги ариза;

узум плантацияларини барпо этиш учун ер участкаси мавжудлигини тасдиқлайдиган хужжат – субсидияларни олишда;

таъсис хужжатлари нусхалари (устав ва/ёки таъсис шартномаси) (фермер ва деҳкон хўжаликлари бундан мустасно) ва давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги гувоҳнома – субсидияларни олишда;

субсидияларни олишга розилик тўғрисида хўжалик жамиятлари муассислари (пайчилар, иштирокчилар) ва акциядорларнинг умумий йигилиши (кузатув кенгаси, бошқарув) баённомаси;

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда лойиҳа бўйича маълумот – субсидияларни олишда;

ҳал қилиш учун грант олиш талаб қилинадиган муаммоларни тавсифловчи хужжат;

харажатлар сметаси ва молиялаштиришнинг қўшимча манбалари (бундай манбалар мавжуд бўлганда) ва лойиҳа бўйича бошқа маълумотлар.

Лойиҳа ташаббускоридан ушбу бандда назарда тутилмаган хужжатларни тақдим қилишни талаб қилиш тақиқланади.

17. Лойиҳа ташаббускорлари томонидан грант ёки субсидиялар олиш учун тақдим қилинадиган хужжатлар ушбу Низомнинг 14-бандида кўрсатилган талабларга мувофиқлиги юзасидан улар олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнинда текширилади.

Тақдим қилинган хужжатларда хато ва/ёки камчиликлар аниқланганда Агентлик лойиҳа ташаббускорини хато ва/ёки камчиликлар ҳақида хабардор қилади.

Лойиҳа ташаббускори томонидан хато ва/ёки камчиликлар Агентлик хабардор қилгандан сўнг етти кун мобайнида бартараф қилинмаган тақдирда хужжатлар лойиҳа ташаббускорига қайтариб берилади.

18. Лойиҳа ташаббускори томонидан грант ёки субсидияларни олиш учун тақдим қилинган, ушбу Низом талабларига мувофиқ бўлган хужжатлар Агентлик томонидан Кенгашнинг навбатдаги мажлисида кўриб чиқиш учун киритилади.

Тақдим қилинган хужжатлар асосида Кенгаш грант ёки субсидияни бериш ёки беришни рад қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

19. Агентлик лойиҳа ташаббускорини қабул қилинган қарор ҳақида у қабул қилингандан сўнг бир иш куни мобайнида хабардор қилади.

20. Кенгаш томонидан грант ёки субсидияни бериш тўғрисида қабул қилинган қарор асосида лойиҳани амалга ошириш учун Агентлик ва лойиҳа ташаббускори ўртасида грант ёки субсидия ажратиш тўғрисида шартнома тузилади.

21. Грант берилиши грант ажратиш тўғрисидаги шартномада кўрсатилган шартлар ва муддатларда амалга оширилади.

Субсидиялар берилиши ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган шартлар бажарилгандан сўнг бир ойлик муддатда амалга оширилади.

22. Субсидия, грант ва қарзлар лойиҳа ташаббускорларининг тижорат банкларида очилган маҳсус 22626 ҳисобваракларига (корхоналар ва ташкилотларнинг мақсадли маблағлари) ўтказилади.

6-боб. Субсидия олувчининг мажбуриятлари бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби

23. Янги узум плантацияларини барпо қилиш бўйича ариза берилган лойиҳани амалга ошириш субсидия олингандан сўнг узум экилишининг кейинги мавсуми тугагунга қадар якунланиши лозим.

24. Агентлик туман (шахар) ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги бўлими ҳамда ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими билан биргаликда узум экилиши мавсуми тугагандан кейин икки ой мобайнида лойиҳа ташаббускорлари томонидан шартномада кўрсатилган параметрлар бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширади.

Мониторинг якунлари бўйича туман (шахар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари, қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғи, ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи ва Агентлик вакили томонидан имзоланадиган шартномада кўрсатилган параметрлар лойиҳа ташаббускори томонидан бажарилгани ёки бажарилмагани тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади.

25. Субсидия олингандан сўнг узум экишнинг кейинги мавсуми тугагунга қадар янги узум плантацияларини барпо қилиш бўйича ариза берилган лойиҳа амалга оширилмаган тақдирда ажратилган субсидиялар Агентликнинг маблағларни

қайтариш ҳақидаги хабари олинган кундан эътиборан бир ой мобайнида Агентликка қайтариб берилиши лозим.

Агентлик лойиҳа ташаббускорини ушбу Низомнинг 24-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган далолатнома имзоланган кундан эътиборан 10 иш куни мобайнида ажратилган субсидияларни қайтариш ҳақида хабардор қилиши шарт.

Бунда лойиҳанинг бажарилмаган қисмига тенг бўлган субсидия суммаси қайтарилиши лозим.

7-боб. Агентликнинг кредит бериш бўйича тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлиги тартиби

26. Лойиҳа ташаббускорларига тижорат банклари томонидан ушбу Низомнинг 5-банди иккинчи хатбоши ва 6-банди иккинчи ва учинчи хатбошларида кўрсатилган мақсадларга ва шартларда имтиёзли кредитлар бериш мақсадида Агентлик ва тижорат банкининг бош аппарати ўртасидаги бош келишувни тузиш йўли билан Агентлик томонидан тижорат банкларига ресурслар тақдим қилинади.

Тижорат банкларининг имтиёзли кредитлари Жамғарма маблағлари ҳисобига Агентлик билан келишган ҳолда берилади.

27. Тижорат банки ресурсларнинг фойдаланилмаган ва/ёки тўланмаган қисмини Агентликнинг ҳисобваракларига З иш куни мобайнида қайтариб бериши шарт.

28. Ушбу Низомнинг 6-банди тўртинчи хатбошида назарда тутилган қарзларни бериш тартиби Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

8-боб. Жамғарма маблағларидан фойдаланишни ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат қилиш

29. Агентлик ҳар бир йўналиш бўйича Жамғарма маблағлари тушиши ва ҳаракатининг алоҳида ҳисобини юритади.

30. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган маблағлар бўйича даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисоботлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот давридан кейинги ойнинг 25-кунигача, йиллик ҳисобот эса кейинги йилнинг 30 январидан кеч бўлмаган муддатда ҳар чоракда тақдим қилинади.

31. Жамғарманинг Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан олинган ва лойиҳа ташаббускорларига ўtkazilmagan маблағлари кейинги йилга ўтади ва олиб қўйилмайди.

32. Жамғарма маблағларидан белгиланган мақсадларда фойдаланишни назорат қилиш ваколатли органлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

9-боб. Якунловчи қондалар

33. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

34. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги
вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва виночиликни
ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар
ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш
жамгармаси тўғрисидаги низомга
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Узумчилик ва
виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино
тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамгармаси маблағлари ҳисобига
грантлар ва субсидиялар бериш бўйича кенгаш
ТАРКИБИ**

- Ходжаев Ж. - Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири,
Кенгаш раиси
- Мустафоев О. - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлиги директори,
Кенгаш раисининг ўринbosари
- Лавозими бўйича* - Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринbosари
- Салимов У. - Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирининг
ўринbosари
- Файзибаев О. - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг
ўринbosари
- Абдуллаев Т. - Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография
ва давлат кадастри давлат қўмитаси раисининг биринчи
ўринbosари
- Пўлатов Ж. - Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорка ер эгалари
кенгаши раисининг биринчи ўринbosари вазифасини бажарувчи
- Лавозими бўйича* - вилоят ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича
ўринbosари (*молиялаштириладиган лойиҳанинг жойлашган
жойига қараб*)
- Вапаев Н. - Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги
Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги
директорининг ўринbosари, *Кенгаш котиби*

Изоҳ. Кенгаши аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уибу
лавозимларга янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишили вазифаларни бажарииш
юкланган шахслар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино
тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси
тўгрисидаги низомга
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш
агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси грантлари ва
субсидиялари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
I босқич	Лойиҳа ташабусскори	<p>1. Грант ва субсидияларни олиш имконини кўриб чиқиш учун барча зарур хужжатларни тайёрлайди.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси грантлари ва субсидиялари ҳисобига лойиҳаларни молиялаштириш агентлик деб аталади) хужжатларни тақдим қиласди.</p>	Ташаббус кўрсатиш тартибида
II босқич	Агентлик	Ташаббускорнинг мурожаат ва хужжатларини кўриб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузуридаги Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлигининг Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-куватлаш жамғармаси маблаглари ҳисобига грантлар ва субсидиялар бериш бўйича Кенгаш (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) томонидан кўриб чиқиш учун киритади.	3 иш куни мобайнида
III босқич	Кенгаш	Агентлик томонидан тақдим қилинган хужжатларни кўриб чиқади.	1 ой мобайнида

Боскичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Муддатлар
IV боскич	Агентлик	Ташаббускорни Кенгаш томонидан субсидиялар бериш ёки субсидиялар берипши рад этиш тўғрисида қабул қилинган қарор тўғрисида хабардор қиласди.	Қарор қабул қилингандан кейин 1 иш куни мобайнида
V боскич	Агентлик, лойиха ташаббускори	Лойихани амалга ошириш учун грант ёки субсидия ажратиш тўғрисидаги шартномани тузади.	Кенгашнинг ижобий карори қабул қилингандан сўнг 3 иш куни мобайнида
VI боскич	Агентлик	Грант ёки субсидия ажратиш тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилгандан сўнг маблағлар лойиха ташаббускорининг тижорат банкида очилган маҳсус 22626 ҳисобварағига ўтказилади.	Шартнома шартларига мувофик
VII боскич	Лойиха ташаббускори	1. Маблағлардан қатъий равишда узум плантацияларини яратиш, томчилаб суғориш технологиясини жорий қилиш ва/ёки бурғилаш кудукларини куриш учун белгиланган мақсадда фойдаланади. 2. Лойихани ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар қиласди.	Шартнома шартларига мувофик

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
хузуридаги Узумчилик ва виночилликни ривожлантириш
агентлигининг Узум етиширувчилар ва вино
тайёрловчиларни кўллаб-куватлаш жамгармаси
тўғрисидаги низомга
3-илова

**Янги узум плантацияларини яратиш бўйича лойиҳа тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Лойиҳа ташаббускори: _____
2. Яратиладиган узум плантацияларининг умумий майдони: _____ га.
3. Яратиладиган узум плантациялари жойланишлари жой: _____.
4. Узум навини ўтқазиш режаси: _____ - _____ га
(масалан, Баян-Ширей – 50 га, Саперави – 10 га, Китимии – 10 га).
5. Лойиҳани амалга ошириш муддати: _____ (масалан, 2019 йил кузи).
6. Яратиладиган иш жойи: _____ киши.
7. Лойиҳанинг умумий қиймати – _____ млн сўм, ундан:

Т/р	Амалга ошириладиган ишлар	Лойиҳанинг умумий қиймати, млн сўм, ундан:	Молиялаштириш манбалари, млн сўм		
			Лойиҳа ташаббускорлари-нинг маблаглари	Узум етиширувчилар ва вино тайёрловчиларни кўллаб-куватлаш жамгармаси субсидиялари	Тижорат банклари кредитлари, жумладан, Жамгарма ресурслари хисобига
1	Агротехник тадбирлар (жумладан, ер ҳайдаш, чизеллаш, ерни текислаш ва ҳоказо ишларни амалга ошириш)				
2	Тупроққа минерал ўгитлар ва бошқа кимёвий моддалар билан ишлов бериш				
3	Узум ниҳолларини харид қилиш ва уларни ўтқазишни ташкил қилиш				
4	Сув чиқариш учун бурғилаш кудуклари куриш				
5	Томчилаб sogoriш тизимини жорий қилиш				
6	Бошқа харажатлар				
ЖАМИ:					

Келтирилган маълумотлар ишончли бўлиб биз янги узум плантацияларини яратиш бўйича
ложиҳа тўлиқ ҳажмда ўз вактида ва сифатли амалга оширилишига кафолат берамиз.

Ташкилот бошлиғи

(Ф.И.О.)

(имзо)

М.Ў.

Изоҳ: Лойиҳалаштиришининг аниқ манбалари кўрсатилмаган лойиҳалар кўриб
чиқилмайди.